

## БУХОРО ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ АЖРИМИ

2023 йил апрель ойининг 11 куни, Бухоро вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг апелляция инстанцияси, ўз биносида, очиқ суд мажлисида,

раислик қилувчи: Н.Жураев,  
ҳайъат судьялари: Ш.Тўхтаев ва Т.Тангриевдан иборат таркибда,  
судья катта ёрдамчиси Т.Кулдашевнинг котиблигида, тарафлардан Бухоро вилоят прокуратурасининг судларда прокурор ваколатини таъминлаш бўлими катта прокурори Ҳ.Абдиев, судланувчи Бахронов Азим Абдуллоевич ва унинг ҳимоячиси, адвокат Б.Ташев, жабрланувчи Ж.Сайфуллоевнинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар судининг 2023 йил 2 март кунидаги ҳукмига нисбатан судланувчи А.Бахронов томонидан апелляция тартибида келтирилган шикоят асосида жиноят ишини кўриб

### А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар судининг 2023 йил 2 март кунидаги ҳукмига кўра,

1973 йил 1 апрелда Бухоро шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, икки нафар фарзанди бор, муқаддам: Россия Федерацияси Сызрань шаҳар судининг 26.06.1994 йилдаги ҳукмига кўра, РФ ЖК 212<sup>1</sup>-моддасининг 1-қисми билан айбли деб топилиб, 6 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига, Россия Федерацияси Красноглинск туман судининг 01.02.1995 йилдаги ҳукмига кўра, РФ ЖК 206-моддасининг 1-қисми билан айбли деб топилиб, 1 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига, Россия Федерацияси Сызрань шаҳар судининг 29.05.2003 йилдаги ҳукмига кўра, РФ ЖК 131-моддаси 2-қисмининг “в,д” бандлари билан айбли деб топилиб, 6 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига, Бухоро шаҳар Тўқимачилик туман судининг 1996 йил 29 майдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 166-моддаси 3-қисмининг “а” банди ва 267-моддасининг 3-қисми билан ЖКнинг 59-моддасига асосан 14 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига, жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар судининг 2009 йил



11 ноябрдаги ҳукмига кўра, ЖК 164-моддаси 3-қисмининг “г” банди билан 10 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланиб, ушбу ҳукм билан ЖКнинг 34-моддаси “а” бандига асосан ўта хавфли рецидивист деб топилган, жазони 2019 йилнинг 15 май куни ўтаган, яқка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи, Бухоро шаҳар, “Гулистон” МФЙ, “Газли шоҳ” кўчаси, 4-уй, 3-хонада яшовчи, иш бўйича “қамоқ” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси ва ҳукм нусхасини олган Бахронов Азим Абдуллоевич (Bahronov Azim Abdulloyevich),

Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 4-қисмининг “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбли деб топилиб, унга шу модда билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаган ҳолда 3 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Суднинг ҳукмига кўра, судланувчи А.Бахронов муқаддам ўта оғир турдаги жиноятларни содир этганликда айбланиб, суд ҳукми билан тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб чиқганидан ўзига тегишли ижобий хулоса чиқармасдан, ўта хавфли рецидивист бўлгани ҳолда ўзганинг мулкани яширин равишда ўғирлик йўли билан талон-торож қилиш жиноятини қўйдаги ҳолатда содир қилган.

Жумладан, А.Бахронов ўзганинг мулкани яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида, 2022 йил 25 июль кеч соат 3:00 ларда Бухоро шаҳар “Т.Фароғий” кўчаси “Sag Gilamlari” савдо мажмуаси олдида турган, ўзига олдиндан таниш бўлмаган фуқаро Сайфуллоев Жамшид Хайрилловичга тегишли 80 Z 326 НА давлат рақам белгили оқ рангли “Нексия” русумли автомашина салонидан, Ж.Сайфуллаевнинг ухлаб ётганидан фойдаланган ҳолда нақд 150.000 сўм пулларни яширин равишда ўғрилаб талон-торож қилиб, ўта хавфли рецидив-ўғирлик жиноятини содир қилган.

Судланувчи А.Бахронов апелляция шикоятда ва судда шикоятини қувватлаб берган кўрсатувида, айбини тасдиқловчи далиллар аниқламагани, милиция ходимлари томонидан унинг чўнтаклари текшируви жараёнида олинган пуллар 170.000 сўм унинг ўзига тегишли бўлгани, бундан ташқари текширув жараёнида 10 АҚШ доллари ва кичик суммадаги рубль ҳам олинганлиги, бироқ АҚШ доллари билан рубль унга қайтарилмаганлиги, милиция ходими судда ушбу ҳолатни тасдиқлаганлиги, ишда мавжуд бўлган унга тегишли бўлган тушунтириш хатини ундан милиция ходимлари босим остида олганликлари, тушунтириш хатида баён қилинган кўрсатуви нотўғри эканлиги, суд ишни бир томонлама кўриб, айбли деб топишда тушунтириш хатидаги кўрсатувини асос қилиб олганлиги, ўта хавфли рецидивист бўлганлиги сабабли унга ҳеч ким ишонмай келаётганлигини кўрсатиб, оқлов ҳукми чиқаришни имкони бўлмаганда озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўраган.



Судлов ҳайъати, маърузачи судья Т.Тангриевнинг маърузасини, судланувчи А.Бахронов ва унинг ҳимоячиси, адвокат Б.Ташевнинг шикоятни қаноатлантириб, суд ҳукмини бекор қилиб, оқлов ҳукми чиқариш тўғрисидаги, прокурор Ҳ.Абдиевнинг суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги, жабрланувчи Ж.Сайфуллоевнинг судланувчига нисбатан даъвоси йўқлиги тўғрисидаги фикрларини тинглаб, шикоятда келтирилган важларни жиноят иши ҳужжатлари билан биргаликда ўрганиб, қуйидаги асосларга кўра, суд ҳукмини ўзгаришсиз, шикоятни қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Апелляция инстанциясида сўроқ қилинган судланувчи А.Бахронов, шикоятини қувватлашини ва биринчи инстанция судида берган кўрсатувини тасдиқлашини, 2022 йил 25 июль кеч соат 03:00 ларда Бухоро шаҳар, “Т.Фароғий” кўчаси, “Sag Gilamlari” савдо мажмуаси олдидан ўтиб кетаётганида исми унга кейин маълум бўлган Ж.Сайфуллоевнинг оқ рангли “Нексия” русумли автомашинаси эшик деразаси очиқ ҳолдалигини кўриб, автомашинага яқин борганлигини ва автомашина орқа ўриндиғида ётган Ж.Сайфуллоевдан автомашина саломида бўлган баклашкадаги сувни беришни илтимос қилиб, Ж.Сайфуллоевдан сув олиб ичиб, баклашкани бериб кетганлигини, кейин жиянини машинасига ўхшаган машина ўтиб кетиб заправкага кирганлигини кўриб, заправкага борганлиги, лекин жиянини машинаси бўлмаганлиги сабабли орқасига қайтиб яна сув ичиши келганлиги сабабли яна Ж.Сайфуллоевнинг автомашинаси олдида келиб, автомашина эшик деразасидан бош қисмини ичкарига киритиб, салондан баклашкани олганлигини, шу вақт Ж.Сайфуллоев уйғонганида у сув олаётганини айтганлигини, шундан сўнг у яна сув ичиб, баклашкани кўйиб кетганлигини, орадан бироз вақт ўтиб, ёнига ИИБ ходимлари келишиб, ундан ўғирлик қилганини айтиб, чўнтагида бўлган 170.000 сўм пулларни ҳужжатлаштириб олганларини, айбини тасдиқловчи далиллар аниқламагани, милиция ходимлари томонидан унинг чўнтаклари текшируви жараёнида олинган 170.000 сўм унинг ўзига тегишли бўлгани, бундан ташқари текширув жараёнида 10 АҚШ доллари ва кичик суммадаги рубль. ҳам олинганлиги, бироқ АҚШ доллари билан рубль унга қайтарилмаганлиги, жиноят ишида бирор жойда ёзилмаган бўлсада, милиция ходими судда ундан АҚШ доллари ва рубль олинганлигини тасдиқлаб кўрсатув берганлиги, бундан ташқари ишда мавжуд бўлган унга тегишли бўлган тушунтириш хатини милиция ходимлари босим остида олганликлари, тушунтириш хатида баён қилинган кўрсатуви нотўғри эканлиги, суд ишни бир томонлама кўриб, айбли деб топишда тушунтириш хатидаги кўрсатувини асос қилиб олганлиги, ўта хавфли рецидивист бўлганлиги сабабли унга ҳеч ким ишонмай келаётганлигини кўрсатиб, оқлов ҳукми чиқаришни имкони бўлмаганда озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўраб кўрсатув берди.

Апелляция инстанциясида сўроқ қилинган жабрланувчи Ж.Сайфуллоев, биринчи инстанция судида берган кўрсатувини тасдиқлашини, 2022 йил 24 июль куни тоғаси Ғ.Эргашевнинг Ромитан тумани, “Қалъа Чорбоғ” МФЙ,



“Қалъа Чорбоғ” қишлоғида жойлашган уйида маракада қатнашиб, кечки вақт соат 01:40 ларда тоғасининг ўғли Суннатни илтимосига кўра, уни “Нексия” русумли, 80 Z 326 НА давлат рақам белгили автомашинасида Бухоро шаҳар А.Сомий кўчасида жойлашган яшаш уйига келтириб қўйганлигини, бироқ кеч бўлганлиги ва уйқуси келганлиги сабабли автомашинасида Бухоро шаҳридаги “Sag Gilamlari” савдо мажмуасининг автотураргоҳига кириб, шу ерда автомашина орқа ўриндиғида ётганлигини, кун иссиқлиги сабабли автомашина эшиклари деразасини очиб қўйганлигини, кеч соат 03:00 ларда қандайдир товушни эшитиб, уйғонганида судланувчи А.Бахронов автомашина олд эшиги деразасидан бош қисмини киритган ҳолда турганлигини кўрганлигини, шунда А.Бахронов ундан сув борми деб сўраганлигини, у қўриқиб автомашинаси саломида турган баклашкани унга узатганлигини, А.Бахронов баклашкадан сув ичиб, баклашкани қайтариб бериб кетганлигини, у яна ётиб ухлаганлигини, орадан ярим соат вақт ўтгач яна товушни эшитиб уйғонганида, А.Бахронов эғнидаги футболкасини юқорига кўтарган ҳолда юз қисмини яшириб, боши ва қўлларини автомашина олд эшиги деразасидан ичкарига киритиб, автомашина салонини қўллари билан тинтиб турганини кўрганлигини, шу вақт А.Бахронов унинг уйғонганини кўриб, ундан сув беришни сўраганлигини, у баклашкани бергач, А.Бахронов сув ичиб “Гуливер” тунги клуби томон юриб кетганлигини, шундан сўнг у ўрнидан туриб, автомашина салонини кўздан кечирганида, нарсалари жойида эканлиги, бироқ автомашина олд чап эшиги ички пастки қисмида бир дона 50.000 сўмлик, бир дона 20.000 сўмлик ҳамда бир неча дона 10.000, 5.000, 2.000 ва 1.000 сўмлик купюрадаги тахминан 150-200 минг сўм атрофидаги пуллар йўқлигини билганини, шундан сўнг у А.Бахронов кетган томонга қараб унинг ортидан борганлигини ва бироз юргач уни кўчада пиёда ҳаракатланиб кетаётганини кўрганлигини, шундан сўнг ИИБ ходимларига ўғирлик ҳақида хабар берганлигини ва ИИБ ходимлари билан биргаликда А.Бахроновни йўлда тўхтатганларини, шундан сўнг ходимлар А.Бахроновдан чўнтагидаги нарсаларни чиқариб кўрсатишни сўраганларида, А.Бахронов чўнтагидан бир дона 50.000 сўмлик, бир дона 20.000 сўмлик ҳамда бир неча дона 10.000, 5.000, 2.000 ва 1.000 сўмлик купюрадаги жами 170 минг сўм пулларни такдим этганлигини, шунда у ушбу пулларни ташқи кўриниши ва купюрасидан ўзига тегишли эканлигини таниб олганини, А.Бахроновнинг ёнида бошқа пул ёки валюта қимматликларини кўрмаганини, унга пуллари қайтарилиб моддий зарар қопланганлигини, судланувчига нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини билдириб кўрсатув берди.

Биринчи инстанция судида гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган М.Остонов кўрсатувида, Бухоро вилояти ИИБ ЖХХ ППХБ 1-бўлинма командири вазифасида ишлаб келаётганлиги, 2022 йил 24 июль куни соат 20:00 дан кейин Бухоро шаҳар 3-сон ИИБга қарашли “Пиридастгир”, “Тошмасжид” ва “Шодлик” МФЙ ҳудудларида сафдор Бахшуллаев Бехруз билан бирга хизмат ўташни бошлаганларини, 2022 йил 25 июль кеч соат 03:00 ларда уларнинг олдига ўзини Сайфуллаев Жамшид деб таништирган шахс келиб, Бухоро



шаҳридаги “Sag Gilamlari” савдо мажмуаси автотураргоҳида автомашинаси эшиги деразаларини очган ҳолда ухлаб ётганида нотаниш эркак киши келиб, автомашинадан пулларини ўғирлаб кетганини айтганлигини, Ж.Сайфуллоев нотаниш шахснинг ташқи кўриниши ҳақида тушунтириб, қайси томонга кетганини кўрсатганлигини, шундан сўнг ҳудудни айланиб, нотаниш шахсни кидириб, ўзини Бахронов Азим деб таништирган шахс кўчада пиёда ҳаракатланиб кетаётганини кўриб, уни тўхтатганларини, А.Сайфуллоев уни таниб олиш, айнан шу шахс унинг пулларини ўғирлаганини айтганлигини, А.Бахронов уларнинг саволларига жавоб бермаганлигини, шундан сўнг уни Бухоро шаҳар ИИО ФМБ 3-сон ИИБга олиб борганларини, А.Бахроновнинг ёнида 170.000 сўм пуллар борлиги аниқланиб ҳужжатлаштириб олинганлигини, ушбу пулларни Ж.Сайфуллоев таниб олиб, ўзига тегишли эканини айтганлигини, ИИБ тезкор вакили Р.Бахшиллоев томонидан пуллар баённома орқали текшириб кўриш мақсадида олиб қўйилганлигини, А.Бахроновнинг ёнида битта иккита кичик купюралари рубль ва доллар ҳам бўлганлигини, аммо жабрланувчи сўм пули ўғирланганини айтганлиги сабабли ундан 170.000 сўм пуллар ҳужжатлаштириб олинганлигини, шу куни ходимлар томонидан А.Бахроновга нисбатан бирор ноқонуний ҳаракат содир этилмаганлигини баён қилган.

Судлов ҳайъати, судланувчи А.Бахроновнинг суд ҳукмида кўрсатилган айби гарчи у айбига иқрорлик билдирмасада жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувлари ҳамда жиноят ишида мавжуд бўлган жабрланувчининг аризаси, ходиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси ҳамда унга илова қилинган фотосуратлар, ашёвий далилларни олиб қўйиш, шахсни фотосуратдан таниб олиш учун кўрсатиш баённомалари ҳамда сўроқ қилиш баённомалари, шунингдек, судланувчи А.Бахроновнинг тушунтириш хати билан тасдиқланган деб ҳисоблайди.

Судлов ҳайъати, судланувчи А.Бахроновнинг жиноий ҳаракатларини квалификация қилиш масаласини муҳокама қилиб, биринчи инстанция суди томонидан уни ўта хавфли рецидивист бўлиб, ўғрилиқ жинояти содир қилганлигини кўрсатиб ҳаракатларини тўғри квалификация қилган бўлсада, Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 4-қисмининг “б” банди ўрнига техник хатога йўл қўйиб, ЖК 169-моддаси 4-қисмининг “а” банди кўрсатилган. Суд йўл қўйилган техник хатони бартараф қилиш мақсадида 2023 йил 9 март куни ҳукми ижро этишда юзага келадиган шубҳа ноаниқликларни бартараф қилиш ҳақида Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 541-моддаси тартибида ажрим чиқариб, судланувчининг жиноий ҳаракатларини ЖК 169-моддаси 4-қисмининг “б” бандида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбли деб топилсин деб ўқилишини кўрсатиб, тўғри қарор қабул қилган деб ҳисоблайди.

Судлов ҳайъати, судланувчи А.Бахроновга нисбатан жазо тайинлаш масаласини муҳокама қилиб, биринчи инстанция суди томонидан А.Бахроновга нисбатан жазо тайинлашда, содир этган жиноий ҳаракатларининг ижтимоий хавфлилик даражаси, унинг шахси, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи барча ҳолатлари инобатга олиниб,



ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, содир этган жинояти учун қонунда назарда тутилган жазонинг энг кам қисмидан ҳам камроқ озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаб, адолатли қарор қабул қилинган деб ҳисоблайди.

Судлов ҳайъати судланувчи А.Бахронов шикоятдаги айби йўқлиги тўғрисидаги важини, жабрланувчи Ж.Сайфуллоевнинг кўрсатуви, судланувчи А.Бахроновнинг ўзини суриштирув жараёнида ёзилган тушунтириш хати, биринчи инстанция судида сўроқ қилинган гувоҳ М.Остоновнинг кўрсатуви ва ишда мавжуд бўлган бошқа далиллар билан инкор қилади.

Жумладан, судланувчи А.Бахроновнинг тушунтириш хатида, шу куни меъёрдан ортиқ спиртли ичимлик ичганлиги боис Ж.Сайфуллоевнинг пулларини олган-олмаганини ёки қайси вақтда олганлигини эслай олмаслиги ҳақида баён қилинган.

Бундан ташқари, А.Бахронов фуқаро Ж.Сайфуллоевнинг автомашинаси олд эшиги дераза қисмидан боши ва қўлларини автомашина салонига киритган ҳолда бироз муддат турганлиги ҳолати ҳодиса содир бўлган жойдаги видеокузатув камерасидан тасвирга олинган бўлиб, суд ҳукмида ушбу ҳолатларга ҳуқуқий баҳо берилган.

Судлов ҳайъати, судланувчи А.Бахроновнинг кийимлари милиция ходимлари томонидан кўздан кечирилиши жараёнида ундан 10 АҚШ доллари ва кичик суммадаги рубль ҳам олиниб, қайтариб берилмаганлиги хусусидаги важини муҳокама қилиб, А.Бахроновдан назарда тутилган АҚШ доллари ва рубльни расмийлаштирилмасдан олинганлиги ҳолати А.Бахроновнинг айблов доирасига таъсир этмаслигини инобатга олиб, ушбу ҳолатга хусусий ажрим чиқариш йўли билан муносабат билдириш лозим деб ҳисоблайди.

Судлов ҳайъати, юқорида кўрсатилган асосларга кўра, суд ҳукмини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асослар мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 497<sup>25</sup>, 497<sup>26</sup>, 497<sup>31</sup>-моддаларига амал қилиб, судлов ҳайъати

#### А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар судининг 2023 йил 2 март кунидаги Бахронов Азим Абдуллоевич (Bahronov Azim Abdulloyevich)га оид ҳукми ўзгаришсиз, апелляция шикояти қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Ажримдан норози томонлар Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига кассация тартибида шикоят, прокурор протест келтириши мумкин.

Раислик қилувчи:

имзо

Н.Жураев

Ҳайъат судьялари:

имзо

Ш.Тўхтаев

имзо

Т.Тангриев



Ажрим нусхаси аслига тўғри,  
маърузачи:

Т.Тангриев

**Маърузачи: Тангриев Турсунбай Худайбердиевич**



Хужжат имзоланган: Тангриев Турсунбай Худайбердиевич, 11.04.2023

